# «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

## AKSIYADORLIK JAMIYATI

## BUYRUQ

2017 -yil «03» 5 TOSHKENT № 772-Н3

**«Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида»**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖда ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, хавфсиз иш шароитларини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш, электр хавфсизлигини, хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланишни ва техник назоратини кучайтириш мақсадида, **буюраман:**

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиги в.б. Р.Р.Асомхужаевга:

тасдиқланган йиллик режани ижроси юзасидан "Қўқон МТУ" УК худудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва саноат ҳавфсизлиги ҳолати бўйича тегишли мутахассиларни жалб этиш йўли билан жойига чиққан ҳолда мониторинг ўтказилишини ташкиллаштириш юклатилсин.

"Қўқон МТУ" УК худудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги бўйича мониторинг жадвалини тасдиқлаш вазифаси топширилсин;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишда амалдаги Қоида ва низомлар талабларини қўпол равишда бузилишларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланганда, яъни Қоидалари талаблари тўлиқ таъминланмаганда дарҳол объектлар ва ускуналарнинг иши, белгиланган тартибда тамғалаш йўли билан тўхтатиш ваколати берилсин;

хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли "Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги" буйруқга асосан навбатдан ташқари йўл-йўриқ ўтказиш юклатилсин.

2. Мониторинг ўтказиш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

меҳнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошлиқлар, ўринбосарлар ва бош муҳандисларнинг шахсий меъёрий мажбуриятларини бажарилиши;

меҳнат муҳофазаси ва иш шароитларини яхшилаш бўйича йиллик дастурнинг амалда бажарилиши;

меҳнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолати таҳлили ва келажакда меҳнат муҳофазасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқилганлиги;

меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандисларининг ишларни ташкиллаштирилиши, доимий амалдаги комиссия ва ходимларнинг билимлар синовидан ўтганлиги;

иш жойларини шаҳодатлашдан ўтказиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинганлиги;

меҳнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан фойдаланиш бўйича меъёрий хужжатлар, қоидалар ва низомларнинг бажарилиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида (кўтариш иншоатлари, сув иситиш ва буғ қозонлари, босим остида ишловчи сиғимлар) юк кўтариш кран ости йўлларини техник холатларига;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини режалаштирилган огохлантирувчи таъмирда технологик жараёнларини тасдиқланганлиги ва амалда бажарилиши, ултратовушли диагностика ва метал қисмларига путур етказмаслик усули билан хизмат муддатини узайтириш ишларида;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини, юк кўтариш мосламаларини (чалка, траверса, тросс, тара, грейфер, крюк, захват ва х.к.) техник паспортларни мавжудлиги, белгиланган муддатларда тегишли ёзувлар киритилганлига;

саноат ҳавфсизлиги бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ 2016 йил 25 февралдаги 77-Н сонли буйруқни, ҳамда 2014 йил 30 июндаги 249-Н сонли "Ҳавфли ишлаб чиқариш объектларини ишини ташкил қилиш" буйруқларнинг бажарилиши бўйича;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини ишлатилиши билан боғлиқ ходимларни Давлат тест маркази лицензиясига эга махсус ўқув курсларида ўқитилиши ва ишга қўйиш тартибларига.

3. Мониторинг натижаларига асосан далолатнома тузилиб, муҳокама ўтказилсин ва ишларни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар берилсин.

4. "Қўқон МТУ" УК бошлиғи О.К.Қаршиевга:

мониторинг ўтказишда "Қўқон МТУ" УК бош муҳандиси ва меҳнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштироки таъминлансин, зарур ҳолатларда автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин;

аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбир, жадвал ишлаб чиқилсин ва меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Ўзвагонтаъмир" АЖ бош директори Ш.Х.Атаджанов, "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ бош директори Ў.С.Астановга, "Ўзтемирйўлйўловчи" АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга:

мониторинг ўтказишда бош муҳандис ва меҳнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштирокини таъминлаш, зарур ҳолатларда автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбирлар, жадвал ишлаб чиқилсин ва меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши тавсия этилсин.

6. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга тақдим этилган меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги бўйича мониторинг жадвалига асосан белгиланган тартибда хизмат сафари хужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

7. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Р.Асомхўжаев зиммасига юклатилсин.

**Бош менежер -**
**бош муҳандис** **Х.Н.Хасилов**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Р.Р.Асомхўжаев

“03” 05 2017 йил

**“Қўқон МТУ” УКга қарашли ва жамият тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларида 2017 йил май ойида тасдиқланган режа асосида меҳнат муҳофазаси бўйича мониторинг ўтказиш**

**ЖАДВАЛИ**

| Корхона, ташкилот, муассаса номи | Мониторинг ўтказиш санаси | Мониторинг ўтказиш учун масъул ходимлар |
|---|---|---|
| ПЧ “Андижон” | 10.05.2017 йил | Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Э.Медешев, етакчи муҳандис Г.Т.Садиртинова, муҳандис Б.М.Асалов, |
| ТЧ “Андижон” | | |
| “Андижон” т.й. шифохонаси | 11.05.2017 йил | |
| ВЧД “Андижон” | | |
| “Андижон механика заводи” ШК | 12.05.2017 йил | |
| “Андижон” т.й.СЭС | 13.05.2017 йил | |
| ВЧД “Қўқон” | 15.05.2017 йил | |
| ЭЧ “Қўқон” | 16.05.2017 йил | |
| ШЧ “Қўқон” | | |
| ВОХР “Қўқон” | 17.05.2017 йил | |
| “Қўқон” т.й. шифохонаси | | |
| “Қўқон” т.й.СЭС | 18.05.2017 йил | |
| “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖнинг “Фарғона” филиали | | |
| “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг “Фарғона” филиали | 19.05.2017 йил | |
| “Қўқон” бирлашган ёқилғи омбор хўжалиги | | |
| ПЧ “Қўқон” | 20.05.2017 йил | |
| “Қўқон” т.й. касб-хунар коллежи | 22.05.2017 йил | |
| ТЧ “Қўқон” | | |
| “Олтиариқ” буғлаб ювиш станцияси | 23.05.2017 йил | |
| “Чимён” пансионати | | |
| 164-сонли йўл машина станцияси | 24.05.2017 йил | |

**Ишлаб чиқариш зарурияти билан жадвалга ўзгартириш киритилиши мумкин.**

**Тузди: НБТО** **Б.А.Рахимжонов.**

“Тасдиклайман”
Меҳнат муҳофазаси, техника
ва саноат хавсизлиги
бошқармаси бошлиғи
_____________ Р.Р. Асомхўжаев
«03»_____05_________2017 йил

2017 йиллик иш режаси асосида май ойида “Қўқон МТУ” УК ҳудудида саноат ҳавфсизлиги
бўйича мониторинг ва семинар ўтказиш

**ЖАДВАЛИ**

| № | Корхона ва ташкилотлар номи | Сана | Мониторинг ўтказиш учун маъсул | Изох |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Қўқон МТУ УК тассаруфидаги ишчи ходимлар | 10.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 2. | Қўқон локомотив депоси | 11.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 3. | Қўқон вагонларни таъмирлаш депоси | 12.05.2017 йил | Атажанов М.Д. | |
| 4. | Қўқон вагон тиклаш поезди | 13.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 5. | Қўқон станциясидаги темир йўл больницаси | 13.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 6. | Қўқон МТУ УК Андижон филлиали тассаруфидаги ишчи ходимлар | 15.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 7. | Андижон танциясидаги темир йўл больницаси | 15.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 8. | Қўқон локомотив депоси (Андижон филлиали) | 16.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 9. | Андижон темир йўл масофаси | 17.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 10. | “Андижон механика заводи” ШК | 18.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 11. | Поп 166-сонли Йўл машина станцияси | 19.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 12. | “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ Фарғона филлиали | 20-22.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 13. | Қўқон темир йўл масофаси | 23.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |
| 14. | Қўқон электр таъминоти корхонаси | 24.05.2017йил | Атажанов М.Д. | |

Ишлаб чиқариш заруряти билан жадвалга ўзгартириш киритилиши мумкин.

Тузди: Атажанов М.Д.